


# Ота-оналар



Декабрь 2010йил. Биринчи нашр

# Эр-хотин аллакачон ажрашган булса хам, «ота-она»



Маслахатчи маслахати



Козининг фикрлари



Шифокор маслахати

Хозирги замонда ажрашаётган оилалар сони тобора купайиб бормоқда ва ота-оналар, айникса, ёш болали оилаларда, янги шарт-шароитта мослашиш жараёнида болани ёлгиз ота ёки она томонидан тўғри тарбиялаш муаммосига дуч келмоқдалар.

Ёш болали оилалар ҳар икки томоннинг розилиги билан, ёки суд оркали ажрашганига карамай (Фукоролик Кодексининг 837 ва 843 моддаларига биноан), болани ворисликка олиш масаласини биргалиқда маслахатлашиб хал этишлари керак. Айникса шуни назарда тутиш керакки, болаларнинг манфаати, шу жумладан уларнинг фаровонлиги, ота-оналарининг манфаатларидан юкорирок туриш лозим. Бу ҳолат ота-оналарнинг бир қарорга келишлари жараёнида асосланишлари зарур булган конуний мезон бўлиши керак.

Ажрашган оилалардаги болалар каттик руҳий-маънавий азобга дуч келиб, ёмон хулк-атворни намойиш этишади. Ёки катта бўлғанларида ажралиш жараёнини худди ота-оналари каби такрорлашади.

Бу - ажрашиш натижаси эмас. Бу - ажрашиш жараёнида ота-оналарни бир-бирлари билан уришишларининг болаларга салбий таъсир окибатидир.

Бу борада, агар ота-она энг аввало болалар манфаатини ўйлаб, ўзларининг хиссиётларини назорат килиб фарзандларига кўпроқ эътибор кўрсатиб, уларга ўз мухаббатларини намойиш килишса, фаррзандлар соглом ва кучли бўлиб вояга этишади.

Ушбу кўлланма энг аввало, ажрашиш арафасида турган ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандларини парвариши килиш хакидаги кўлланмадир.

Изоҳ: ушбу кўрсатмалар уйда жабр-зулм кўрсатиладиган, фарзандларга кўпол муюмала қилинадиган, жиноий иш олиб борилиши ёки гиёхвандлик, руҳий касаллик каби сабабларга кўра бузилаётган оилаларга тааллукли эмас.

Ота-оналарнинг ажрашишига жавобан фарзандларнинг хулк-атвори ўзгариши. Шунинг учун ҳар доим болаларда муаммоли хулк-атворни кузатсангиз албатта маслахатлашин учун мутахассисга мурожаат килинг.

# СУЗИНИ КУЛЛАБ-КУВВАТЛАЙМИЗ.

## ■ Ота-оналик хукукига ва болаларга ворислик килиш хукукига эга ота-она.

Фарзандлар учун энг асосий масала - бу болаларга ворислик килишга ота-оналарнинг кай бири кўпроқ кераклигини аникловчи конунгий тамойиллар. Кандайдир гайри-оддий сабаб бўлмаса ворис ота/онага оталик/оналик хукуки хам берилади. Бунинг сабаби шуки, кўпинча болаларга нокурайлик тутдирайдиган сабаблардан бири - бу ворис ота/онанинг оталик/оналик хукукига эга бўлмаслиги. Бундан ташкари, ворислик режасини тузайтганда ажрашаётган ота-оналар фарзандларини бир-бирларидан ажратмасликлари керак, чунки ака-сингил, ёки опа-укаларни бир-бирларидан ажратиш ота-оналари ажрашётганларни изтиробга тушган фарзандларга кўшимча зарба бўлади.

## ■ Фарзандларни кўллаб-кувватлаш

Болалар нафакаси уларнинг яшаб-улгайиши, ривожланиши ва таълим олишлари учун керак. Ворис бўлмаган ота/она ўзининг иктиносидий имкониятларидан келиб чиккан холда болаларга нафака тўлаши мажбуриятини ўз зиммасига олиши керак.

## ■ Фарзанд билан кўришиб туриш хукуки.

Фарзандларга хам ота, хам она керак. Ота-оналарнинг биридан ажралиш - фарзандларнинг жисмоний, рухий ривожланишларига, хамда уларнинг характеристики шаклланишига тэъсир этади. Кўришиб туриш - бу ота-оналар ва фарзандлар учун белгиланган хукуқдир. Шунинг учун, ворислик килаётган ота/она ворис бўлмаган ота/онага фарзандлар билан етарли даражада ва мунтазам равишида кўришиб туришига руҳсат бериши керак.





Бух-Вух~ Куркинчли!



Ота-оналарнинг ажрашишига жавобан чакалок ва ёш болаларнинг хулк-автор хусусиятлари:

- Ўта кўркув ва безовталаниш
- Ривожланиш заифлиги
- Ривожланишидаги инқизор

## "ўз хиссиётларини ифодалай олмасалар хам, изтиробга тушганлар"

Улар хали чакалок - хеч нарса билмайдилар?

Ўзига хослиги туфайли бизнинг чакалок гўзал? Хеч качон!

Фарзандлар канчалик кичик ёшда бўлишса, улар шунчалик атрофдаги босим ва уришишларни яхши хис этишади.

Агар ота ва она каттик уришишса, ёки ота-оналардан бири тўсатдан гойиб бўлиб колса, болалар ўта безовталаниб ва кўркиб колишади.

Бундан ташкари, агар фарзанд ажримдан чарчаган, жаҳл ва аламга тула ота/она томонидан тарбия топган булса, унда фарзанд жуда суст ривожланиши ва яхши ўсмаслиги мумкин.



Ота-оналарга иложи борича хиссиётларини назорат килиб, болалар олдида ўз жахлларини жиловлаб, тушкинликка тушмаслик тавсия этилади.

Фарзандларингизни меҳр билан кучоклаб, улар билан кўпроқ сухбатлашинг. Улар ота-оналари уларни хамон яхши кўришларини ва ўзларини ота-онага доим кераклигини хис этишсин. Агар чакалоклар ва ёш болалар ўз ворислари билан дўстона, мустахкам муносабат ўрната олишса, улар катта бўлишганда атрофдаги инсонлар билан хам соглом муносабатда бўла олишади.



Фарзандлар учун ота-онадан ёшлиқда айрилиш улар феъл-атворининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, ёш фарзандлар билан «Улар катта бўлганларида учрашман» деб фикрлаш умуман тавсия этилмайди.

Ота-оналар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб учрашиш жадвалини тузишлари максадга мувофиқлар. Бу - ворис бўлмаган ота/онанинг болалар билан етарли даражада ва ў учрашиб туришларини таъминлайди.



Ёш болаларнинг бир неча кун онаси билан, ва бир неча кун отаси билан колишилари, яъни уларни таксимлаб олиш, нотўгридир. Ворис отани/онани асосий жавобгар шахс деб белгилаш тавсия этилади, ва ворис бўлмаган ота/онага фарзандиникига тез-тез келиб асосий хаётий жараёнларда, яъни: овкатлантириш, чўмилтириш, кийинтириш ва ўрнига ётказиш каби жараёнларида бевосита катнашиш тавсия этилади.

Энди мен нима қиласан?

Мактабгача ёпдаги болаларнинг ота-онасининг ажрашишига бўлган муносабатлари:

- Айборлик хисси
- Кўркув
- Ота-онасига нисбатан нафрат
- Йиглаш
- Уйқуни, ёки овкатланиш тартибини бузиш
- Ривожланишдаги инқироз

## "Бу - менинг хатоим ... Энди мен нима киламан?"

Ота-оналарнинг ажралишлари хусусида болалар бөгчесига борадиган болалар ўзларини айбдор деб ҳисоблайдилар. "Ота-онам менинг хатоим туфайли ажрашишыпти."

Бундан ташкари, уларни кўркув камраб олган. "Отам кетиб колди, энди онам хам мени ташлаб кетса-я."

Агар ота-оналардан бири фарзанд ҳаётидан тўсатдан гойб бўлса, бу хол фарзандлар учун ҳакикий оғатдир. Шунинг учун, ота-оналар ўз фарзандларига бўлаётган ишларни содда тилда тушунириб беришлари керак



"Ота-онангнинг ажралишларида сенинг айбинг йўк. Узингни айблама."

"Ота-онанг ажрашган бўлишса хам, биз сенга керакли пайтда доим ёнингда бўламиз"

"Биз алоҳида яшасак хам, сени жуда яхши кўрамиз ва сени доим парвариш киламиз."

Ушбу сўзларни фарзандингизнинг дилига етиб боргунча такрорлайверинг. Бундан ташкари, фарзандингиздан унинг кўркув ва нафрат хисларидан халос бўлишга ёрдам беришларини сўранг.

Фарзандлар жуда кичкина бўлишса, улар билан иложи борича тез-тез учрашиш учун рухсат олишга харакат килинг.



Ворис бўлмаган ота/она фарзандининг ворислиги учун тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олиши керак. Фарзандга ворислик ёки ота-оналиқ хукукига эга бўлиш масасидаги хар кандай ўзгариш конун асосида, ва шунингдек энг аввало болаларнинг манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим.

Ворис ота/она ворис бўлмаган ота/она билан фарзандларини кўриш учун ўзаро келишиб олишлари лозим. Шуни маслаҳат берардикки фарзандлар билан кўчада, ёки супермаркетда учрашгандан кўра ворис ёки ворис бўлмаган ота-она уйида учрашган маъкулдир.



Фарзандларнинг эътиборли бўлинг. Улар ворис ота/она уйидан ворис ота/она уйига хурсанд бўлиб кайтишсин. Акс холда, болалар 《ўз ичига камалиб》, ёлтон гапира бошлайдилар.

Бундан ташкари, ворис бўлмаган ота/она фарзанди билан узок муддатдан сунг учрашгаётган бўлса, уни дам олиш масканларига олиб бергандан, ёки кимматбахо совгалар олиб бергандан кўра, фарзандини овқатлантириб, ювинтириб, кийинтириб ўз ўрнига ётказганлари анча афзалдир.



Дадам качон келади?



©HappyBong & Ye Rin

**Бошлангич синф ёшидаги болаларининг ота-она ажралишига муносабати:**

- Ота-онанинг ярашишини интизорлик билан кутиш
- Мактаб хаётида кийинчиликларни бошдан кечириш
- Безовта бўлиш, ўтирилик килиш одати, уйдан кочиш, ота-онага нафратини намойиш этиш.

# "Отам ва онам бирга кайтишяпти..."

Болалар ота-онасининг ажрашишини тушунишса хам, шунга карамай улар ота-онасининг ярашиб кетишларини хаёл килишади ва қутишади.



Шунинг учун, ота-онасининг янги турмуши уларни хафа килиб, тушкинликка тушириб кўяди.

Бир томондан, бошлангич синфда укийидиган болалар мактаб хаётида, ёки тенгкурлар билан муносабатда кийинчиликларга дучор бўлишади. Энг ёмони, улар зимдан ота-оналарига кайтуриб касал бўлиб колишлари мумкин.

Бошка томондан, бундай ташвишлардан фарзандлар тез улгайишиб ота-оналарини химоя килиб, уларни тинчлантиришлари мумкин.

Шуни назарда тутингки, ота-оналар ажрашганига карамай ўз фарзандларини доимо яхши кўришади, ва уларнинг ташвишини килишади.

Безовталик ва жаҳлдорлик хиссиятларини енгишда ёрдам бериш борасида улардан: «Ким билан яшамокчисан - отанг биланми, ёки онанг билан?», ёки, «Ота-онангниг ажралишларига нима дейсан?» каби саволларнинг ўрнига: «ўзингни кандай хис киляпсан? Тузикмисан?» деб сўранг.

Агар ворислик килаётган ота/она болалар олдида ворис бўлмаган ота-онани ёмонлашса, ёки танкид килишса, болалар ворис бўлмаган ота/онани ёмон кўриб колишлари ва кейинчалик улар билан алокани узишни хоҳлаб колишади. Бу - болаларнинг характерини шакллантиришда зиён курсатади.

Болаларга ворис бўлмаган ота/онага нисбатан ижобий муносабатда бўлишларига ёрдам беринг.

Эҳтиёткорлик билан болаларга уларнинг ота-оналари яраша ололмасликларини тушунтиринг. Болаларга ўзингизнинг бошка инсон билан (аввалги турмуш ўрготингиз эмас) романтик муносабатларнингиз хакида эҳтиёткорлик билан гапириб беринг.

Ота-оналар шуни тушунишлари керакки, ворислик хукуки ва ота/оналий хукуки фарзандларининг мактаб хаётларида

купроқ ёрдам кила оладиган, хамда ворис бўлмаган отага/онага фарзанд билан кўпроқ ва тез-тез учрашишларига шароит яратиб бера оладиган томонга берилиши керак

Шу билан биргаликда, фарзандга ворислик режаси асосий саналар, яъни тутилган кунлар, миллий байрамлар, мактаб таътиллари ва хоказолар хисобга олиниб тузилиши керак. Болаларнинг таълими учун доимий равища ортиб бораётган маблаг микдорини хисобга олиб, ворис бўлмаган томон ўзининг молиявий ахволидан келиб чикиб, ворислик учун тulos микдорини ошириши керак.



Хакикатдан хам  
күреништим яхшими?



**Успиринларнинг ота-онанинг ажрашишита муносабати:**

- Бўйсинмаслик
- Мактабдаги давоматнинг пасайиб бориши
- Мактабга боришдан бош тортиш
- Депрессия (тушкинликка тушиш)
- Уйдан кочиш
- ўз жонига касд килиш

## Үспирийнлик даври

**"Менинг ўз йулим бўлади!"**

Үспирийнлик - бу болалар хис-туйғуларининг "портлаш" даври. Ота-оналари ажрашган үспирийлар мактабда кўпроқ муаммога дуч келишади, хеч кимга кулок солишишмайди ёки тушкинликка тушиб колишади, ва энг ёмони - улар ўз жонига қасд килишгача боришади. Бошка томондан, ота-онаси ажрашган үспирийлар жуда тез улгайишади. Улар ўзларига етишмайтган ота ёки онанинг меҳрининг ўрнини билим билан коплашга уриниб, мактабда намунали ўкувчи бўлишади, ва уй юмушларини кўпинча ўз зиммаларига олишади.



Шифокор маслаҳати

Үспирийнлик - бу катта хаёт бўсағаси.

Ота-оналари ажрашаётгани туфайли хис этган барча туйгулари болага нафакат үспирийнлик даврида, балки катта бўлганда хам ўз таъсири кўрсатади.

Ота-оналарга бундай пайтда фарзандлари билан самимий, дўстона муносабат ўрнатиш тавсия этилади, чунки бундай муносабатлар табиатидан келиб чириб фарзандлар катта хаётда карама-карши жинс аъзолари билан ёки баҳтли, самимий муносабат ўрнатишади, ё ота-оналари каби ажрашади.

Хам ота, хам она фарзандлар билан албатта ажрашиш хакида гаплашиб олишлари керак.

Агар фарзандлар ота-оналарини улар ажрашаётганини учун танкид килишса ёки уларга карши серзарда бўлиб колишса хам, ота-она уларга кулок солиб, фикрларини инобатга олишлари керак.

Бундан ташкири, ажрим хакидаги оила мухокамаларига фарзандларни жалб этиш керак, улар ўзларини айбдор хисобламасликлари керак.

Ота-оналардан кайси бири ворислик килишини аниглаш жараёнида, астагина фарзандларнинг фикрини билинг: улар ким билан колиб яшашни исташар экан ва фикрларини хурмат килинг.



Козининг фикрлари

Агар фарзандингиз Сизни танламаса хам, хафа бўлманг.

Бундай фикрга келишларига ота-онанинг ўзи сабабчи булади.

Сиз билан фарзандингиз яшайдими, ўйкми, барибир улар билан кўпроқ сухбатлашишга харакат килинг.

Таътил вактида улар билан сафарга чикинг.

Агар Сиз ворис ота/она бўлсангиз хам, фарзандларнинг Сизга ишонишса, яхши кўришса, бир кун албатта олдингизга келишади ва Сиз билан мухим хаётий масалани, ишларини, ёки келгуси умр йўлдошларини мухокама килишади.

Ворис бўлмаган ота/она фарзандларининг ворислик тўловини ўз зиммаларига олиб, улар вояга етгунга кадар тўлаб боришлари керак.

Шуни унумтанг-ки, фарзандингиз интизомли, юввош, ёки тез улгайган бўлса хам, Сиз - отасиз/онасиз.

Болаларга карам бўлманг.

Узингиз ота-она бўлинг, бу ролни фарзандларнинг зиммасига ошириб кўйманг.

Шундай килсангиз, фарзандингиз ўша захоти ўзларини олдингизда ёш боладек сезишади.



Маслаҳатчи маслаҳати

Соглом ажримни бошдан ўтказган фарзандларнинг кучли тарафлари

## Тез киришувчанлик ва мослашувчанлик.

Ажрашган оиласда вояга етган болалар ота-онаси бор оиласда вояга етганлардан фарки шуки, улар атрофдагиларни яхширок тунишади, уларга кўпроқ раҳмдиллик килишади, атроф-мухитга тез мослашишади.

Бундан ташкари, ажрашган оиласдаги фарзандларнинг хулк-атворлари яхши бўлади, чунки улар атрофдаги инсонлар билан тез киришиб кетиб, мослашиб олади.

**Фарзандларнингиз билан кўпроқ мулокатда бўлинг,  
уларни парвариш килинг ва уларни севинг!**





## Фарзандларимиз учун куйидагиларни ёдда тутиң!

### **Фарзандингиз онаси (отаси) билан уришманг!**

Агар турмуш ўртогингиз жиддий хатога йўл кўйган бўлса хам, бу - факат эр-хотиннинг муаммоси бўлиб колиш керак.

Хато килган ота/она хали хам фарзандингизнинг отаси/онаси эканлигини унутманг.

«Ота-оналар жангি» туфайли пайдо бўлган нафрат, безовталаниш ва хафагарчиллик фарзандингиз хаётига салбий таъсир кўрсатади.

«Тинчлик йўли билан, дўстона ажрашишга» харакат килинг. Эр-хотин - бу энг аввало ота-онадир, ва улар ажримдан кейин хам бебахо фарзандларини тарбия килишлари керак.

### **Хам ота, хам она биргалиқда болаларга вазиятни тушунтириб ахрим хакида гапиришади**

Фарзандларингизга бу янгиликни енгил, тушунарли килиб тушунтиринг, улар учун ажрашиш кутилмаган нарса бўлмасин. Уларга: «Онангиз билан отангиз ажрашишида сизларнинг хеч айбингиз йўк», деб айтиш ўринли. Болалардан ўз хиссиятларини назорат килишга ёрдам сўранг. Хар кандай саволларига самимий ва бир неча бор такрорлаб жавоб беринг.

### **Фарзандингизга тез-тез :«Мен сени яхши кўраман», - деб таъкидлаб туриңт.**

«Ота-онанг ажрашиши сенинг хатоинг эмас.»

«Ажрашганига карамай отанг ва онанг сен качон мухтож бўлсанг ёнингда бўлишади.»

Тез-тез ва кўп бора: «Сен биз учун доимо азиз ва севимлисан, ва биз доимо сен билан бирга бўлмасин.»

### **Агар ворис бўлмаган ота/она сифатида фарзандингиз билан бирга яшашга имконият бўлмаса хам, фарзандларингиз билан иложи борича тез-тез гаплашиб туриңт**

Оилани ажралиши болалар билан ажрашиш дегани эмас.

Болаларга хам ота, хам она керак.

Унутмангки, ота-оналарнинг биридан ажралиш болаларнинг характерларига салбий таъсир кўрсатади.

Фарзандингиз канча ёш бўлса, шунча Сиз улар билан тез-тез мулокатда бўлишингиз керак.

### **Ворис ота/она болалар билан бирга яшамайдиган ворис бўлмаган ота-она билан учрашиш учун барча шарт-шароитларни яратиб беради**

Агар фарзандлар бир-бири билан уришиб душман бўлиб колган ота-она ўртасида колса, бу хол улар учун яна кўшимчча руҳий зарба булади.

Ота-она бир-бirlари билан ажрашишдан и сўнг дўстона муносабатда бўлиб колишса, фарзандлар кўнгиллари хотиржам бўлиб, ўзларини ёш бола килиб эркаланиб бир томондан иккинчи томонга бемалол бориб-келиб юришади.

Фарзандларингизга эътиборли бўлинг, улар тушкинликка тушиб «ўз ичларига камалиб олишмасин», ёки ёлгон гапиришмасин.

### **«Менинг фарзандларим яхши юришибди», - деган фикрингиздан кайтинг**

Киска килиб айтганда, муаммоларнинг кўпи кўзга кўринмас. Болалар учун ота-онанинг ажрашиши хакикий фожеа. Улар буни катталарга нисбатан мураккаброк хис этадилар. Эрта вояга етган ва намунали бола катта хаётда оиласидан ажраши мумкин.

Болаларингизнинг хулк-атвортларини кузатинг, ва шундан келиб чикинг.

Аввалгидан кўпроқ улар билан мулокатда бўлинг, эътибор кўрсатинг ва яхши кўринг.

Ота-оналарнинг болалар учун фойдали бўлган хулк-авторларини «Назорат килиш рўйхати»

## “Фарзандларимиз учун яхшилаб текшириб куинг.”



Куйида ажрашишга тайёргарлик кўраётган ота-оналар учун рўйхат бериляпти.  
Уни яхшилаб ўрганиб чикинг:  
Белгилаётган бандни яхшилаб текширинг. Фарзандларингизни янги шарт-шароитга мослашишларида Сизнинг ролингизни кўрсатади. Бундан ташкари, кўшимча маълумотингиз бўлса белгиланг.

- мен фарзандларимга :ИСизлар ота-онанингизнинг ажрашишига жавобгар эмассизИ, - деб аник тушунираман.
  - эрим хакида болаларим олдида хеч ёмон гапирмайман
  - агар жаҳлим чикиб турган бўлса, умуман гапирмайман
  - болалар олдида эрим билан уришмайман
- 
- хар бир фарзандим билан бирга вакт ўтказишга доим харакат киламан
  - Фарзандларимга айтаманки, отани (онани) яхши кўриш - бу одатий холат
  - Мен фарзандларимдан эримнинг /хотинимнинг ёмон хислатларини кидирмайман.
- 
- Фарзандларимнинг кўркув, хавотиргарчилик, уришколик каби хиссиётларида эримни/хотинимни айбламайман.
  - Фарзандларим бизнинг ажримиздан уялиб колмасликларига ёрдам бераман.
  - Мен фарзандларимнинг мактаб хаётлари билан кизикаман.
- 
- Фарзандларим хаётида тўсатдан бўладиган ўзгаришлар рўй бермаслигига харакат киламан.
  - Уй ишларини тезда бажариб, фарзандларим уйда оталари/оналари йўклигини билинтирасликка харакат киламан.
  - Болалардан тўтиридан-тўгри ким билан яшашни исташларини ёки ота-оналардан кимни кўпроқ яхши кўришларини сўрамайман
  - Мен фарзандларимга кундалик ишларни бажаришларида ёрдам бераман
- 
- ўз шахсий хиссиётларимни доимо назорат килишга харакат киламан, чунки фарзандларимни тез улгайиб тенгкурларидан ажralиб колишларини истамайман.
  - мен фарзандларимга катталарга хос бўлган ўз тамоилларимга бўйсинтиришга интилмайман.
  - мен ажрашиш хаётни бой бериб қўйиш деган фикрга кўшилмайман.

# "Энди, фарзандларимизга ворислик килиш болаларча режасини тузинг!"

1

## Ота-оналик ва ворислик хукукига эга бўлган ота/она

- └ Ота-оналардан кай бирни фарзандларни яхширок парвариш килади, уларни тарбиялайди ва улар билан яшайди?
  - Кетма-кетликда болаларнинг кизикишларини, яъни, уларнинг фаровонлиги ва хаётдаги мустахкамлигини ота-оналарнинг баҳиллигига таккосланг.
  - Ота-оналарнинг кай бирни ворислик борасида фарзандига кўпроқ ва яхширок шароит яратиб беради, ва тарбия соҳасида тажрибаси кўпроқ..
  - Агар ажрим дўстона тусда бўлса, кўшма ворислик бўлиши мумкин.

2

## Фарзандлар билан учрапуввлар

- └ Но-ворис ота/онанинг фарзанди билан учрашиш учун энг яхши тартиб? Качон? Каерда? Кандай?
  - Болалар билан учрашиш икир-чикирларини ўйлаб кўйинг, яъни качон, каерда, қай тарзда ва хоказо. Бу тартиб фарзандлар билан учрашишида доимий бўлиши керак.
  - Тугилган кунларда, миллий байрам кунлари, таътилда, танаффусда учрашишларни албатта назарда тулинг.
  - Фарзандларнинг ривожланиш боскичларини хисобга олинг, вакт жадвалини ишлаб чикинг ва албатта ваддани бажаринг.
  - Фарзандлар билан учрашиш жадвалига мурожаат килиб юринг. Бу Сизга адашмасликка ва мулокатта ёрдам беради.

3

## Фарзандлик нафакалари

- └ Ворислик учун ворис бўлмаган ота/она канча тўлаши керак? Кандай?
  - Унутмагки, ушибу нафака фарзандингиз эхтиёжлари учун тўланади, ворис ота/она учун тўланмайди.
  - Нафаканинг аник микдорини ва тулаш йўлини олдиндан келишиб олинг, доимо тўловларни вактида бажаришга харакат килинг.
  - Ворис бўлмаган ота/онани нафака тўламаганлиги сабабли фарзандлари билан учрашувдан маҳрум килманг.
- Режа тузатганингизда аввало фарзандингиз манфаатини ўладингизми?
- Режа тузишда собик эрингиз/хотинингиз билан маслаҳатлашингизми?



Биз «ота-она» деган шарафли номни кадрига етадиганларни хурмат киласиз, ва уларни муаммо пайдо бўлган маҳал профессионалларга маслаҳат сўраб мурожаат этишларидан хурсандмиз.





Ушбу күлланма 《Күшма ота-оналарга таълим бериш илмий маркази》, Умумдайлут козилар ассоциацияси, оиласый адвокатлар ва ташки мутахассислар томонидан ишлаб чикилди. Ушбу күлланмани ЗКүшма ота-оналарга таълим бериш илмий марказиИ рухсатисиз нусха күчирин, уни таркатиш ва таргигот кишиш тақиқланади.